

# **ФЕТИШИЗМГА ОИД МАРОСИМЛАРНИНГ ХОЗИРГИ КУНДАГИ КЎРИНИШЛАРИ**

Ақчаев Фаррұх Шавкатович

ЖДПИ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

## Асқаров Тоҳиржон Темур ўгли

ЖДПУ Тарих факултети 2-курс талабаси

## **Аннотация:**

Ўзбек халқи қадимги эътиқодларни сақлаш ва уларни жамиятимизда ўзгарганлигини ўзаро алоқаларимизни таъминлаш учун муҳим кўрсаткичлар деб кўришади. Улар тарихий, ижодий, маданий, ва миллий кимлигимизнинг мустаҳкам кўринишидир. Қадимги еътиқодларни сақлаш ўзбек халқи учун биринчи дараҷада бўлган муҳим вазифалардан биридир. Улар ўзбек халқининг бир-бири билан дўстонлигини, халқаро алоқаларини, миллий бирлик ва тараққиётни кучайтиришда ёрдам беради. Қадимги еътиқодлар орқали ўзбек халқи ўз тарихий юртимизни сақлаш ва унинг миллий кимлигини мустаҳкам қилишни давлат, маданий жамият ва ҳар бир фуқаро учун катта муҳимликка ега.

**Калит сўзлар:** Анимизм, қадимги давр, Авесто, урф – одат, **маросим**, “Нафас” ва “руҳ”.

## Аннотация:

Узбекский народ хранит древние верования и рассматривает их как важные индикаторы изменений в нашем обществе и поддержания наших взаимоотношений. Они являются прочными якорями нашей исторической, творческой, культурной и национальной идентичности. Сохранение древних верований – одна из важнейших задач узбекского народа. Они способствуют укреплению дружбы узбекского народа между собой, международных связей, национального единства и развития. Сохранение нашей исторической земли и укрепление ее национальной самобытности узбекским народом посредством

древних верований имеет огромное значение для государства, культурного общества и каждого гражданина.



**Ключевые слова:** Анимизм, античность, Авеста, традиция, ритуал, «Дыхание» и «дух».

### **Abstract:**

The Uzbek people maintain ancient beliefs and see them as important indicators of the changes in our society and the maintenance of our mutual relations. They are strong anchors of our historical, creative, cultural, and national identity. Preservation of ancient beliefs is one of the most important tasks for the Uzbek people. They help to strengthen the friendship of the Uzbek people with each other, international relations, national unity and development. The preservation of our historical land and the strengthening of its national identity by the Uzbek people through ancient beliefs is of great importance to the state, cultural society and every citizen.

**Key words:** Animism, antiquity, Avesta, tradition, ritual, "Breath" and "spirit".

Инсоният тарихининг дастлабки вақтларидан бошлобоқ кишилар ўзларини қуршаб турган оламни унинг пайдо бўлиш сабаблари тузилиши ва ҳаракат манбаларини билишга интилган. Табиатнинг беҳисоб ва ҳилма-ҳил ходисалари, унинг дарёлари, кўл ва тоғлари, вулқон, зилзила ва ёнғинлари ўсимликлар дунёси ҳайвонот олами фасллар алмашуви кун тун осмон жинслар чақмоқ момақалдироқ ва ёнғинлар ўз фусункорлиги қўрқинчлиги сеҳрлилиги билан илк инсоният ёки ибтидоий одамларни хайратлантирган қўрқитишган ташвишга солган, лекин йиллар ўтиши мобайнида одамлар дунёнинг ажойиб сирларини тушишга ҳаракат қилишган. Натижада ер заминида инсоният олами, олам ва одамни пайдо бўлиши тўғрисида ҳилма-ҳил баъзида ғаройиб ва баъзида ажойиб афсоналарни яратишган. Умумий хулоса шуки одамни қандайдир ғайри таббий қучлар бошқаради деган фикрга келишган бўлсада одамлар кундалик ҳаётида атроф мухитни кузатиш ҳайвонот дунёсини табиат

ходисаларига баҳо беришга қизиқиши туфайли аста-секин илмий ёндашув ҳам юзага келди.

Шу тариқа узоқ ўтмиш узоқ ўтмишдан бошлаб олам инсоният тарихининг дастлабки босқисларидан бошлабоқ кишилар ўзларининг қўршаб турган оламни унинг пайдо бўлиш сабабларини тузилиши ва ҳаракат манбаларини билишга интилишган. Табиатнинг беҳисоб ва ҳилма-хил ходисалари, унинг дарёларни қўл ва ёнғинлари ўсимликлар дунёси ҳайвонот олами фасллар алмашуви кун ва тун осмон жисмлари чақмоқ момақалдироқ ва ёнғинлар ўз фусункорлиги қурқинчлилиги сехрлилиги билан илк инсоният ёки ибтидоий одамларнинг ҳайратлантирган қўрқитган ташвишга солаган. Йиллар ўтиши мобайнида одамлар дунёнинг бу ажойиб сирларини тушунишга ҳаракт қилишган. Натижада ер заминидаги инсоният олами, олам ва одамнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳилма-хил баъзида ғаройиб ва баъзида ажойиб афсоналарни яратишган. Умумий хулоса шуки оламни қандайдир ғайри таббий кучлар бошқаруви деган фикр келишилган бўлсада одамлар кундалик ҳаётида атроф мухитни кузатиш, ҳайвонот дунёсини табиат ходисаларига баҳо беришга қизиқиши туфайли аста-секин илмий ёндашув ҳам юзага келди.

Шу тариқа узоқ ўтмишдан бошлаб олам ва одамнинг пайдо бўлиши тўғрисида фан ва дин ўртасида илмий-материалистик дунёқарааш билан диний-идеалистик дунёқарааш ўртасида рақобат музокаралар давом этмоқда.

Инсон ўзлигини таниши билан табиатда нимадир ҳамма нарсани ҳаракатга келтириши ва Борликқа сабаб булишини тушиниб, яратувчи манба сифатда *Илоҳий куч-Худони* тан олади ва унга сифина бошлайди. Ибтидоий жамоа тасаввурида мазкур манбани тан олиш ва унга топиниб, қурбонлик келтириш-инсон ҳаётини бошқарувчи илоҳий кучларни “юмшатиш”га тенглаштирилган ва шу ишонч асосида диний эътиқодлар вужудга кела бошлаган. Вахоланки, бу жараёнларнинг замон ва макон узра силжишини, яъни диний эътиқодлар тарихини ўрганмасдан туриб, инсоният учун барча замонларда энг қудратли ғоя бўлган Худога ишонч туйғусини тушиниб бўлмайди.

Илоҳий куч тушунчаси турли хақларда муайян мухитга яраша маъно касб этиб, бир авлод умри давомида шаклланган ғоя ўзга авлод ҳаётида ўз маъносини йўқотиши ҳам мумкин бўлган. Яъни илоҳий куч ҳақидаги инсон

гояси ўз тарихига эга бўлиб, турли даврларда бу ғоянинг жамиятёндашуидаги шакли ўзгарсада, моҳияти ўзгармаган ва кези келса давлат мафкураси даражасига хам қўтарилиган.

Қадимда инсонлар Илоҳий куч ғоясига турли номлар берган бўлса-да, ушбу кучни доимо уларнинг тақдирини ҳал этувчи Худо сифатида тан олишган. Турли даврларда элату қабилалар ўз Илоҳий кучига ишонган, ўз эҳтиёжлари ва хошишлари, қўрқинч ва қувончларини Илоҳий куч билан боғлаб, оламни тушинишга интилишган. Мана шу интилишлар натижаси ўлароқ диний тасаввулар вужудга кела бошлаган.

Бронза даврида содда овқат ишлаб чиқаришдан турли хунармандчилик шаклларига ўтилиши билан жамоанинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти мураккаблашиб боради. Қишлоқ ахолиси асосан озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар-дехқонлар ва човадорларга ва хунармандларга бўлинади. Шахарда ижтимоий табақалашув рўй бериб, хукрон харбий ва диний синфлар шаклланади. Аввалига харбий ва фуқаролик хокимияти бир қўлда мужассамлашиб, шахар бир қанча қишлоқларни қамраб олган худудга хукмронлик қиласи. Қабила оқсоқоли ва афсунгарлардан асос олган шахар харбийлари ва рухонийлари дехқонлар ва човадорлари устидан хукмронлик ўрнатиб, унинг махсулоти ўзлаштиради. Шунинг хисобидан эса маъмурлар, аскар ва хунармандларга маош тўлайди. Кейинчалик булар орасига савдогарлар хам қўшилади.

Инсон туғилиши билан бир ном олса, диний тасаввурлар туғилганида унинг номи булмайди. Кўп мингйиллар давомида у ривожланади, фақат кейинчалик ўз номига эга бўлади.

**Фетишизмда бош чаноқларга сифиниши.** Дин тўғрисида фикр юритар эканмиз, аввалам бор, бугунги диний дунёқарашлар мифологик дунёқараш негизида шаклланганлиги тарихий ҳақиқатdir. Жамиятнинг жуда куп асрлик ижтимоий тараққиёти натижасида одамлар дунёни кенгроқ ва чуқурроқ идрок эта бориб, уни бошқачароқ англай бошлаганларидан, ҳамда табиат ва жамиатдаги киши ихтиёридан ташқари мавжуд қонунларни ҳис қила



бошлаганларидан кейин мифологик дунёқарааш кишилик жамиятининг талабаларига жавоб бермай қўйди.

Мифологик ёки афсоналарга таянувчи дунёқарааш бу жамият тараққиётининг вахшийлик, бадавийлик даврига тўғри келиб, ўша давр одамлари табиатни кузатиб, мушоҳада қилиб ўзини табиат билан уйғун равишда ҳис қилганлар. Бу дунёқарааш дунёни англаш эмас ҳис қилишга асосланган бўлиб, реал воқейликлар ҳақидаги хаёлий билимлар тўплами тизимга солинган бир даврда вужудга келган. Улар воқейликни турли уйдирма образлар тарзида билишган. Табиатдаги жонсиз жисмлар жонлантирилиб, олов, сув, ҳаво, табиат унсурлари ва ҳодисаларни ҳам муайян жонли образларнинг намоён бўлиши, деб ҳисоблашган ва уларга сифинишган.<sup>1</sup> Худди шундай мифологик диний тасаввурлардан бири бу-фетишизмдир.

Фетишизм – (португалча feiteiro, франц. fetiche- сехрли нарса ,тумор )- гайритабий хусусиятларга эга деб ҳисобланадиган жонсиз нарсалар – фетишиларга сифиниш. Сифиниш обеъктлари яъни фетишилар тош тайок кузмунчок ва хар қандай буюм булиши мумкин.<sup>2</sup>

“Фетишизм-(франц; Fetisme-тилсим, бут) табиатдаги нарса ва ҳодисаларга эътиқод қилувчи диний тасаввулар мажмуи. Этнографияда Фетишизмнинг тавсифи хилма-хилдир. Дж Леббок ибтидоий динда инсон хохишини Худо бажара олиш имконияти деб Фетишизмни асослаган бўлса, Инглиз олимлари Тайлор ва Спенсерлар Фетишизмни анимизмнинг бир шакли деб қайд қилган. Фетишизм жаҳон динлари таркибида ҳам сақланиб қолган. Жумладан, Христианликда икона ва чиримай сақланиб қолган мурдани муқаддаслаштириш, Буддизмда “Муқаддас ховонча, ўғир”, Исломда “муқаддас жойлар”, “қора тош” илоҳийлаштирилган”<sup>3</sup>. “Кишилик тарихи шуни кўрсатдики, хар қандай предмет Фетиш бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан ғароиб шаклдаги тош, ёғоч бўлаги, хайвоннинг тиши, яхшилаб ишланган фигура, заргарлик буюми. Бундай предметлар даволаш, душманлардан асраш ва бошқа хусусиятларга эга деб тушинилган. Агар бирор

<sup>1</sup> Б.Зиёмухаммадов Комилликка элтувчи китоб. 134-бет Т.2006

<sup>2</sup> Узбекистон миллый энциклопедияси 9-том 225 бет. Тошкент 2005 й

<sup>3</sup> Ислом энциклопедияси. “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти 236-бет. Т.2003й



киши шундай предметга мурожаат этиб, кейин ютуққа эга бўлса, бунга ўша фетиш ёрдам берди, деб эъзозланган, аксинча мувафақиятсизликка учраса, бунда фетиш ташлаб юборилган ёки бошқаси билан алмаштирилган. Ибтидоий одам тасаввурининг ўша даврга хос соддалиги фетишларда буюк куч бор деб билиш эди. Буюмларни жонли деб тушинишлари эди. Масалан: “шамол келмоқда”, “шамол ухламоқда” ва бошқалар. Фетишлар давр ўтиши билан мураккаблашиб, кейинчалик тумор, санам (бут) ва бошқаларга мурожаат этишган. Фетишизмнинг асл ватани Ғарбий Африка бўлсада, убошқа юртларга ҳам тарқалган. Фетишизм капиталистик жамиятда меҳнат маҳсулотларини тақсимлаш, айниқса қиймат ва бошқаларнинг ўз-ўзидан ривожланиш жараёнида ҳам юзага келди. Жамиятда Фетишизм предметларининг табиий хусусиятларини, функцияларини ёки инсон фаолиятининг маҳсулини индивиднинг табиий хусусиятларини илоҳийлаштириш билан ҳарактерланади”.<sup>4</sup>

Ибтидоий инсон айрим жонсиз нарсалар ҳам воеалар ривожига таъсир этиб, узига керакли натижага ёрдам беришига ишонган ва улардан химоя сураган. Бу ибтидоий этиъкодда барча жонсиз нарсаларга сифиниш назарда тутилади. Э.Тайлор умуман рухларга булган эътиодни –“анимизм”, нарсаларга мужассамлашган рухларга зътиодни эса “Фетишизм” дея таърифлайди ва бу эътиод замирауда будпарастлик пайдо булган дейди.<sup>5</sup> Турли халқларда фетиш сифатида мархум аждодларнинг бош чаноги эзозлангани бизга тарихдан маълумдир. Масалан қадимги яхудийлар мархум бош чаноғини этини лой ёрдамида тиклаб унга сифинишган. Қадимги Мисрда бош чаноғини алебастр билан коплаб, мархумнинг юз тузилишини тиклашган. Мумиёлар билан кабрга бошининг охак шакли ёки алебастр никобларини куйишган- агар асли тукилса кайта тирилганида илоҳлар никобларига караб тиклаш учун. Кейинги боскичда кайта тирилтириш маросимлари утказилган.<sup>6</sup>

Бир суз билан айтганда қадим халклар бош чаноғини бутга айлантиришган ва унга сажда килишган. Шундай сопол никоблардан бири Хоразмнинг

<sup>4</sup> Фалсафа қомусий лўғат. 428-бет. Тошкент “Шарқ”

<sup>5</sup> X. Караматов Ўзбекистонда мозий эътиодлари тарихи. 70 бет. Тошкент 2008 й.

<sup>6</sup> Э.О. Жеймс. Қадимий худолар. 55 бет. Кайта ишланган нашр. Тошкент 1997й.



эрамиздан олдинги V асрға мансуб Куйкирилганқалъасидан топилгани мазкур эътиқодни бизда ҳам таркалганидан далолат беради.

Назаримизда, бош чаноғи ва сүякларини эъзозлаб саклаш ва уларга сажда килиш кучманчи қабилаларнинг муҳим масканга эга булмаганидан келиб чиккан, яъни бутун тана сүякларига нисбатан чанокнинг узини олиб юриши осон булган. Эрамиздан олдинги III-асргача майитнинг тозаланган сүяклари ёки бош чаноғи турли шаклдаги мадғанларга қуиилиб исломгача эса тозаланган бош чаноғи ва бир неча сүяклар оссуарийларда дағн килинган. Бактриянинг айрим обидаларида эркак бош чаногининг хумда дағн этилиши эрамиздан олдинги VI-V асрларга таалукли. Шунга асосланиб Ю.Рапопорт оссуарийлар аввалига бош чанокларни саклаш учун кулланилган деб тахмин килади.<sup>7</sup> Улкамизда бош чаноғига булган эътиқодга мисоллар куплаб учрайди. Хоразмнинг Канхакалъасида IV-асрга мансуб макбарада турт бурчак оташгоҳ атрофида ут ва қамиш устида 15та одам бош чаноғлари ва табиий рангларга буялган одам юзининг алебастр никоби ҳамда алебастран ясалган хайкалнинг синиқлари топилган. Олимлар реконструксия килган чаноклар хозирги хоразмликларни эслатади.<sup>8</sup>

Худи шундай мадған (қабр тошлари) III-IV асрға мансуб Кухна Увайсада топилади, фақат у ерда оташгоҳ атрофида оссуарийлар жойлашиб, бу ерда ҳам мато асосли катта хайкал булаклари топилган. Яна бир Бухоро воҳасининг Калқапати деган жойида бош чаноқларининг мажмуавий килиб кумилгани ва Тошкент воҳасининг Кавардон масканида Бухородагига ухшаб боши доирасимон деформацияга учраган (шакли бузилган) 30та бош чаноғи дағн этилган. Бунга ухшаш ёдгорликлардан яна бири Суғдда Самарқанднинг эрамиздан олдинги III асрига мансуб кулоллар қишлоғида одам бош чаноқлари, итларнинг сүяклари билан бирга кумилган. Коғиркалья ёнидаги ховлилардан бирида ҳам инсон бош чаноқлари ва оссуарийлар колдиқлари билан бирга итларнинг жағлари топилган. Фарғона водийсининг Чустидаги кабрга от ва сигир сүяклари, қуй бош чаноғи ва бешта одамнинг бош

<sup>7</sup> Рапопорт. Ю. А. Хорезм в древности // В низовых Окса и Яксарта. Образы Древнего Приаралия 67-68 бет Москва 2000 г.

<sup>8</sup>Х. Караматов Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи. 71 бет. Тошкент 2008 й.





чаноқлари дафн этилган. Бухоро вилоятининг Қизилқир II обидасида бир уйнинг остонаси тагида салб шаклида қўйилган сүяклар устида буқача боши қўйилгани эса уйни ёмонликдан сақловчи тумор вазифасини ўтаган ва чорва кўпайишига қаратилган.<sup>9</sup> Бу тамойиллар зардуштийликка мутлақо ёт бўлиб ўлкамизнинг энг қадимги тасаввурларига асосланади.

Хулоса килиб айтишимиз мумкинки уша давр одамларининг фикрича мархумнинг бош чаноғи эгасининг тириклигидаги хусусиятларини ўзида сақлайди ва муайян сехр-жоду орқали бу кучлардан фойдаланиш мумкин деб ўйлашган. Гарчи инсоннинг тафаккури ривожланган бўлсадаammo, хозирги кунда ҳам хайвон бош чаноқларига ишониш урф-одатлар ва ирим-сиримлар кўринишида давом этиб келмокда. Бунга мисол қилиб юртимизнинг баъзи худудларида яшовчи аҳоли ўз ҳовлилари ва боғларининг кириш жойларига, полизларининг ўртасига шохдор қучқорларнинг бош чаноқларини илиб қўйганлигини кўрсатиш мумкин.

## Адабиётлар

1. X. Караматов Ўзбекистонда мозий эътиодлари тарихи. Тошкент 2008 й.
2. O'zbekiston tarixidan izohli lug'at.
3. Авесто. Т.: 2001й
4. www. Yandeks. Ru. Тайлор Э. Б Первобытная культура. М.:1979 г.

<sup>9</sup> Р.Х. Сулаймонов Кадимги Накшаб. 304 бет. Тошкент2000 й